



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1



## ПАРВАРИШ ҚАНЧА БАРВАҚТ БОШЛАНСА МЕВАСИ ШУНЧА ТОТЛИ БЎЛАДИ

Умид билан қадалган ниҳолнинг ўниб, ўсиб, мева бериши, бақувват дарахтга айланиши ёки аксинча, қуриб, барбод бўлиши боғбоннинг унга эътибори ва парвариши нечоғли эканига жуда боғлиқ. Агар кўчат илк даврлариданоқ меҳр билан зарур озуқа билан тўйинтирилса, тезда буй кўрсатиб, соя-салқинлик ва тотли мевалар ҳадея этади. Ундан нафақат боғбон, атрофдагилар ҳам баҳраманд бўлади.

Инсон ҳам худди шундай. У болалигиданоқ зарур эътибор ва шароитда ўсса, кизиқишлари ўрганилиб, қўллаб-қувватланса, муносиб устозлар ила илму маърифат билан сайқалланса, етук кадрга айланади, нафақат оила, жамият учун ҳам наф келтиради. Болалиқда олинган илм-тошга ўйилган нақшдир, деган ҳикмат ҳам бежизга айтилмаган-да, ахир.

Юртимизда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳар қачонгиданда кучайтирилади. Унинг асл мақсади ҳам шу аслида. Келажакимиз

эгаларини ўқувчилигининг илк даврлариданоқ ҳар томонлама баркамол, жисмонан ва руҳан соғлом, меҳнатсевар, ватанпарвар, фидойи қилиб тарбиялаш, кенг дунёқарашга эга комил инсон бўлишларига замин яратишдир.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган ижод мактабларини ташкил этишдан асосий муддао ҳам шу эди. Ушбу мактабларда ўқувчи ёшларга буюк ажодларимиз ва адибларимизнинг бой ижодий меросини ўргатиш, уларга муносиб ворис этиб тарбиялашга йўналтирилган комплекс ўқув-тарбия жараёнлари йўлга қўйилди.

(Давоми 2-саҳифада)

## БЎШ ВАҚТ – БЕБАҲО ВАҚТ

Вақт бебаҳо неъматдир. Ундан барчамиз унумли фойдаланишимиз зарур. Айниқса, ёшларга ҳар бир кун, ҳар бир соат, ҳар бир лаҳза ғаниматлигини тушунтириш, англантириш ҳар биримиздан катта масъулият талаб қилади.

Шунинг учун мамлакатимизда сўнги йилларда мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини унумли ўтказиш ва мактабдан ташқари таълимни самарали ташкил этиш борасида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини синдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш борасидаги амалий ишлар, натижалар яққол кўзга ташланмоқда.

Жумладан, республикамизда 219 та “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолият кўрсатиб, уларда ташкил қилинган 9 765 та тўғарақларга 287 153 нафар ўқувчи-ёшлар камраб олинди.

(Давоми 2-саҳифада)

## Истиқлол фидойилари

## ҚАТЪИЯТ ҚАТЛИ


1937-38 йилларда советлар мамлакатада рўй берган оммавий қатагонлар 1980 йилларнинг охирида ҳам ўз даҳшат ва фожиалари, бутун кўлами билан очилмасдан қолди дейиш мумкин.

Албатта, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин олимларимизнинг қўли кўпгина махфий ҳужжатларга етди. Босмачи, миллатчи, жадид, бой, муштумзўр ёки ёт унсур тамғалари билан айбланиб отилган, сургун қилинган бир қатор ҳамюртларимиз оқланди. Аммо бу борада қилинадиган ишлар, халқимиз билиши лозим бўлган ҳақиқатлар бир талай. Зеро, советлардан молию жонини аямаган юртдошларимиз Фай-

зулла Хўжаев ва Акмал Икромовлар нега завоул топди? 20-йиллардаги ўзбек халқининг етакчиларига қандай айбловлар “ёпиштирилиб” отувга ҳукм этилгани ҳақида англиялик олим ва адиб Роберт Конквест ўзининг 2 жилдлик “Катта террор” китобида ўзига хос ёндашади. Биз ушбу китобга суянган ҳолда “Учинчи Москва процесси”нинг айрим жиҳатларини очишга ҳаракат қилдик.

Процесснинг боришини Кремлга, НКВД, Мудофаа ва Оғир sanoat халқ комиссарликлари биноларига тўғридан-тўғри эшиттириш (радио орқали) ташкил этилди.

(Давоми 6-саҳифада)



Кўнгул мулки

## САҲНА — УНИНГ ҲАЁТИ ЭДИ

Ўзбек театри санъати, кўшиқ санъати ривожига салмоқли ҳисса қўйган атоқли санъаткор Лутфихоним Саримсоқовани мамлакатимизда танимаган ёхуд номини эшитмаган одам кам топилади. Етти яшардан етмиш ёшгача – ҳамма уни ё саҳнада, ёки экранда, ҳеч бўлмаса, телевизорда албатта кўрган. Ишонаманки, унинг юксак санъатига қойил қолган, тан берган, офарин айтган.

Мен ҳам эсимни таниганимдан бери Лутфихоним Саримсоқова санъати билан ошнаман. “Маҳаллада дув-дув гап”, “Сен етим эмассан”, “Фарзандлар” фильмлари экранга чиққанида менинг тенгдошларим мактаб ўқувчилари бўлиб, санъатнинг туб моҳиятини тушуниб етмаган эдик. Аммо ҳаммамиз шу фильмлар хусусида гаплашар, айниқса, Лутфихон ая ижросидаги роллар ҳақида баҳслашар эдик. “Сен етим эмассан”даги Фотима холанинг меҳридарёлигидан хайратга тушсак, “Фарзандлар”даги она сиймоси, айниқса, унинг ақлдан озиб қолиб, “Олиб кетинглар, мениям олиб кетинглар”, деб хўнграб йиғлаши қалбимизни ларзага солар эди. “Маҳаллада дув-дув гап” фильмидаги соддадил она-чи? Ҳар нарсадан хайратга тушиб, “Вой, тиниб-тинчимаган одамлар-эй, нималарни ўйлаб топишмайди-я”, деган гапларидан завқланиб кулар эдик.

Лутфихоним ая билан илк “танишувимиз” ана шундай бўлган. Йиллар ўтган сари Аянинг санъатини чуқурроқ тушуна бордим. Бу у кишининг ўзлари билан учрашиш, суҳбатлашиш иштиёқини туғдирди.

1976 йилнинг сентябрь ойи эди. Ўша пайтда Аянинг 80 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриляётганди. Мен “Ўзбекистон маданияти” газетасида ишлар эдим. Редакция топшириғи билан Аянинг уйларида бордим.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, кечки пайт эди. У вақтларда Ая Кўкча даҳаси яқинида, 1-шаҳар шифохонаси атрофидаги ҳовлилардан бирида яшар эди. Тўғриси, Аянинг уйига кириб, аввалига хайрон бўлганман. Ҳаят камтарона, оддий турмуш. Ҳеч қандай ҳашам, жимжима, ортикча жиҳозлар йўқ. Торгина, шинам ҳовли. Ҳовлига сув сепаиб, сўрига гилам солинган. Аянинг турмуш ўртоғи Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Тожиода у вақтда ҳаёт эдилар...

Ўшанда Ая ва Муҳаммаджон ота билан узок суҳбатлашдим, турли газеталарни, суратларни кўрсатишди... Дарвоқе, эл-юрт ўртасида машҳур одамларни биз кўпинча жуда мағрур, баландпарвоз, унча-мунча киши билан гаплашиб ўтирмаса керак, деб ўйлаймиз. Аслида бундай эмас. Касбим тақозоси билан мамлакатимиз ва бошқа юртларнинг бир неча атоқли адиблари, санъаткорлари билан суҳбатда бўлганман. Уларнинг аксарияти жуда оддий, камтар, самимий... Ая уларнинг ҳаммасидан кўра камтарроқ, соддароқ кўринди менга.

(Давоми 5-саҳифада)



Жамоатчилик назорати

## Онлайн-қимор: ИНҚИРОЗ ТОМОН БОСИЛГАН ҚАДАМ

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда Интернет орқали пул тикиладиган турли ўйинларда иштирок этиш оқибатида катта маблағни ютқазиб қўйиб хонавайрон бўлган, ва ҳатто, ўз жонига қасд қилганлар ҳақида хабарлар пайдо бўла бошлади.

Эътибор берсак, турли тотализаторлар орқали пул топишга ури-наётганларнинг аксарияти ёшлар

эканлигини кўриш мумкин. Улар аллақандай мўъжиза сабаб бир лаҳзада катта ютуқларга эришиш мумкинлигига ишонишади. Ҳар бир муваффақият учун йиллаб меҳнат қилиш, сабот билан илм олиш зарурлигини англаб етишмайди. Демак, бунда биз катталарнинг ҳам айбимиз бор. Ёшларимизга ҳаёт фалсафасини тушунтиришда, уларни яхши-ёмонни ажрата оладиган қилиб тарбиялашда хатоларга йўл қўяймиз.

(Давоми 3-саҳифада)

## ПАРВАРИШ ҚАНЧА БАРВАҚТ БОШЛАНСА МЕВАСИ ШУНЧА ТОТЛИ БЎЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Айтиш жоизки, ижод – инсоннинг янги моддий ва маънавий неъматлар яратиш фаолияти. Унда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати, иродаси фаол иштирок этади, бутун билими, тажрибаси, истеъдоди намоён бўлади. Ижод фан-техникани, маданиятни бойитади, ривожлантиради. Ижодкор эркин хаёл, озод тафаккур, кенг кўламли тасаввур, миллий ғурур ва юксак орзуларга эга бўлиши керак. Ижоднинг тараккий этишида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу маънода ижод мактаблари ижодкорликка мойил болаларимизнинг қобилияти ва истеъдодини ёшлигиданоқ кашф этишга хизмат қилмоқда. Бу масканларда ёшлар учун креатив муҳит, ҳар томонлама қулай билим майдони яратилган. Чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанларнинг дарсликлари мазмун ва сифат жиҳатидан халқаро талаблар даражасида ишлаб чиқилган. Муҳаммад Ризо Огаҳий, Абдулла Орипов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳамда Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабларида иккинчи хорижий тил сифатида турк тилини ўқитиш йўлга

қўйилган. Бунинг учун чет элдан турк тили ўқитувчилари жалб этилган.

Ўқувчиларга малакали педагоглар сифатли таълим беришаётир. Айни даргоҳлардаги ўқитувчиларнинг 43 фоизи халқаро ва миллий сертификатлар соҳибиди. Бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 28 фоиз (56 нафар)га ўсганибизни қувонтиради. Фаолият кўрсатаётган илмий даражали педагогдан 50 фоизи жорий йилда илмий даражага эга.

Сифатли ва замонавий таълим билан бир қаторда таҳсил олувчиларда ватанпарварлик туйғусини камол топтириш мақсадида таниқли давлат ва жамоат арбоблари, соҳанинг ижодкор ва илғор ёшлари билан учрашувлар ташкил қилинмоқда. Илм-фанга қизиқишни янада кучайтирувчи, зехни чархловчи тадбирлар дам-бадам ўтказилмоқда.

Тўрт қатор шеър ё ихчамгина ҳикоя ёзсанг уни дўстинга ўқиб берсанг, у эътироф этиб мақтаса бир завқ оласан. Агар машқларинг газетада чоп этилса-чи, китобга киритилса-чи? Бунинг хурсандчилиги янада ортиқ. Айниқса, ижод қилишга янада ундашини айтмайсизми? Шуб оис, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ўстириш ва сайқаллаш билан бир

қаторда уларнинг ижод намуналарини ҳам чоп этиш ва бу билан уларга руҳий, маънавий қувват бағишлаш ҳам ижод мактаблари раҳбариятининг диққат марказида. Ҳозиргача 410 нафар ўқувчининг ижодий ишларини ўз ичига олган “Ижод боғидан гулдаста” шеърӣ тўпламининг тўртта сони дунё юзини кўрди.

Шунинг баробарида 1 098 нафар (68 фоиз) ўқувчини 21 турдаги замонавий ва миллий касбларга ўргатиш ишлари олиб борилди. “Ижодий тўғарак”, “Ёш таржимонлар”, “Доира”, “Дутор”, “Най”, “Ғижжак” ва “Қашқар рубоб” тўғаракларда тарбияланувчилар ўз қизиқишлари бўйича устозлар кўмагида маҳоратларини оширишди.

Фахр билан айтиш мумкинки, тизимдаги саъй-ҳаракатлар бесамар кетмади, буни битирувчилар турли танловларда ўз иқтидорини намоён этишаётганида кўриш мумкин. Жорий йилда 223 нафар битирувчининг 83 фоизи, яъни 186 нафари халқаро ва миллий сертификатни қўлга киритишди. Агар ўтган йилга нисбатан таққосланганда ўсиш 28 фоизга кўтарилганини кўриш мумкин. Уларнинг 15 фоизи муддатидан олдин хорижий ва 85 фоизи маҳаллий олийгоҳларда ўқиш имконига эга



бўлишди. Ушбу битирувчилар жами 5,3 млн АҚШ доллари миқдоридagi грант эгаси бўлишди. Яна улардан 3 нафари “Эл юрт умиди” жамғармасининг стипендианти.

Бундан ташқари, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби битирувчиси Эргашева Нилуфархон Акрамжон кизи “Зулфия” давлат мукофотига сазовор бўлди. Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги ижод мактабининг 9-синф ўқувчиси Каримов Жавоҳир Абдукарим ўғли эса “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз ташаббуслигида улкан умид билан очилган ижод мактаблари ижодкор болаларимизнинг қобилияти ва истеъдодини ёшлигиданоқ кашф этиш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Келгусида бу умидли юлдузлар она заминимиз узра янада порлаши муқаррар.

**Турсиной МУРАТОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси депутати**

## БЎШ ВАҚТ — БЕБАҲО ВАҚТ

(Боши 1-саҳифада)

Тўғаракларнинг хилма-хиллиги болалар ўзи шуғулланишини истаган машғулот билан банд бўлишида катта аҳамиятга эга. Турфалик, танлов имкониятининг кенглиги болалар ўзларини турли йўналишларда синаб кўришига хизмат қилади. Тўғараклар болаларда ота-онаси, устозлари англамаган, билмаган истеъдодларни кашф қилиши мумкинлиги ҳам муҳим масала.

Ахборот асри, тараккий даврида яшайпмиз. Янгидан янги ихтиролар, энгилликлар, қулайликлар пайдо бўлмоқда. Бироқ, замонавий ишланмалар инсон хотираси сусайиши, миянинг таҳлил қилиш имкониятлари камайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Биргина уяли телефон апаратига ёзиладиган рақамларни олайлик. Истаган вақт истаган одамга кўнгирак қилиш имкони бўлгани билан у рақамлар бизнинг хотирамизда эмас. Миядаги эслаб қолиш функциялари ўз вазифасини бажармаяпти. Бу табиийки хотира сусайишига олиб келади. Ачинарлиси, бундан болаларимиз ҳам азият чека бошлади.

Ёки йўлни кўрсатувчи қурилмалар. Бирор янги манзилга кетаётганимизда қурилма кўрсатмаси бўйича ҳаракатланамиз. Бирор ким йўлни тушунтириши каби тушунчалар ҳозир деярли мавжуд эмас. Оқибатда миянинг таҳлил қилиш имкониятлари пасаймоқда. Шу сабабли ҳам ёшларни интернетда зарарли хуружлардан асраш баробарида, уларни ахборот технологияларидан (муте бўлиб қолишга эмас) унумли фойдаланишга ўргатиш масаласи ҳам долзарб вазифалардан биридир. Бунинг учун уларнинг ўзидаги яратувчанлик қобилиятини юзага чиқариш чиндан ҳам самарали ечим бўлмоқда.

Мактаб ўқувчиларининг дарсдан ҳоли вақтларини мазмунли ташкил қилишда уларни ҳақиқатан қизиқтира оладиган йўналишлардан фойдаланиш муҳимдир. Жумладан, болалар иқтидорини оши-

риш учун доимий равишда турли форумлар, тўғараклар, робототехника ва тил курслари ташкил этилмоқда.

Шуларни ҳисобга олиб, ўқувчиларнинг ихтирочилик қобилиятларини ривожлантириш мақсадида 14 та ҳудудда тажриба конструкторлик бюрolari фаолияти йўлга қўйилди. 25 та “Баркамол авлод” болалар мактабларида хусусий секторларни жалб қилган ҳолда, робототехника, ментал арифметика ва хорижий тиллар курслари ташкил этилиб, доимий ишлаб турибди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бермай қолмайди, албатта.

Ёшларда болалик чоғидан китобга меҳр уйғотиш мустақил фикрлаш ва кенг дунёқарашни шакллантиришда мустаҳкам пойдевордир. Ҳозирда ўқувчилар орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, уларни кўп китоб ўқишга жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Китобхонликка оид турли фестиваллар ўтказилиб, болалар кутубхонасида аудио китоблар сони кескин оширилди.

Хусусан, таълим муассасасларидаги 39742 та китобхонлик клубларига 502 355 нафар ўқувчи-ёшлар жалб қилинди. Республика болалар кутубхонаси томонидан 190 номдаги аудио китоблар тайёрланиб, “kitob.uz” веб-сайтига жойлаштирилди.

Болалар бир-бирига қизиқиб кўпроқ ва самаралироқ ўрганади. Шу жиҳатдан “Китобхонлик фестивали”, “60 дақиқа китобхонлик”, “Китоб маънавият ўчоғи” каби лойиҳалар ўтказилгани, улар орқали 140 минг нафардан ортиқ ўқувчи қамраб олингани китобсеварлик болаларда доимий туйғуга айланишида жуда муҳимдир. Китобхонлик ёшлар дунёқарашини кенгайтириши барбарида миллатимиз, анъаналаримиз, тарихимизга бўлган қизиқиш, ҳурматни ҳам оширади, деб ҳисоблайман.

Яна бир муҳим масала бор. Кейинги йилларда юртимизнинг диққатга сазовор гўшаларига са-

ёҳатлар тез-тез ташкил этилаётгани ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини унумли ва мазмунли ўтказишда, уларнинг ўз Ватанини яхшироқ билиши, фахрланиш туйғуси ривожланишида бекиёс аҳамият касб этмоқда.

Йил давомида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” шиори остида 125 660 нафар, “Ёшлар туризм ҳафталиги” доирасида 192 705 нафар (шундан, 4 513 нафари ногиронлиги бўлган ўқувчилар), “Мозийга саёҳат” дастури доирасида 858 нафар вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ҳамда 63 870 нафар умумтаълим муассасаларининг ўқитувчи ва ўқувчилари саёҳатлари ташкил этилгани алоҳида таҳсинга сазовордир.

Яна бир муҳим йўналиш ёшларни соғлом турмуш тарзига йўналтириш мақсадида мактаблар ўртасида ўтказилаётган турли спорт мусобақаларидир. Ўқувчилар ўртасида “Кувнок стартлар”, “Ёшлик спорт жамоалари”, “Ёзги таътилни спорт билан ўтказамиз” каби спорт мусобақалари ўтказилиб, 2,1 млн. нафар ўқувчилар қамраб олинди.

2023 йил ёзги мавсумда 200 та стационар оромгоҳларда жами 157 минг нафар болаларни дам олдириш режалаштирилган бўлиб, 183 та стационар оромгоҳларда 42 909 нафар болалар дам олишмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фарзандларимиз мактабда ва мактабдан ташқари вақтларини унумли ўтказиши учун кўплаб шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Тўғаракларга, касб-хунарга, машғулотларга, спортга қизиқтириш, йўналтириш эса ота-оналар, оилаларга ҳам боғлиқлигини унутмаслик лозим.

Излаган имкон топар, деб бежизга айтилмаган. Ёшларимизнинг жисмонан соғлом, ақлан етук, кўтаринки кайфиятда бўлиши оилаларимиз тинчлиги, фаровонлигини таъминлашига, Янги Ўзбекистонда йиллар давомида инсон капитали ўсиб, ривожланиб боришига замин яратади.

**Мавжуда ҲАСАНОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

(Боши 1-саҳифада)

Ваҳоланки, таваккалчиликка асосланган ўйинлар инсонда умидсизлик ва ночорлик хиссини келтириб чиқаришини, йирик суммадаги маблағни ютқазиб хузур-ҳаловатини йўқотишига олиб келишини, чорасизлик эса ҳатто ўз жонига қасд қилишгача олиб келишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Баъзи мамлакатларда қимор ўйинларига қарамлик ўзининг зарарли оқибатлари туфайли соғлиқни сақлаш соҳасининг муҳим муаммоларидан бирига айланган. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги бир неча йил ичида глобал миқёсда тотализаторларда ўйнаш даражаси ошган. АҚШда сўнгги йилларда 6 миллиондан ортиқ одам қимор ўйинлари туфайли соғлигини йўқотиб, даволанишга муҳтожлигини маълум қилган.

Бундан ҳам ёмони, тотализаторларда катта маблағни ютқазиб қўйганлар дуч келаётган молиявий қийинчиликлар сабаб, улар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар сони кўпаймоқда. Яқинда бир танишим 1xbet.bet тотализаторида 100 000 АҚШ доллари миқдоридан маблағ ютқазгани, оқибатда нафақат ўзининг мол-мулки, балки таниш-билишларининг дўкон ва автомобилларини ҳам гаровга қўйиб банкдан катта миқдорда кредит олганини айтиб берди. Энди банкдан олинган қарзни қандай қоплашни билмай боши қотган. Бирор чора кўрмаса, гаровдаги объектлар кимошди савдосига қўйилади. Бир сўз билан айтганда, бир кишининг қиморбозлиги ортидан унинг ўзи ҳам, атрофидаги одамлар ҳам жабр кўрапти. Бунинг устига унинг ҳаётида ёлғончилик, фирибгарлик каби салбий ҳислатлар одатий ҳолга айланиб қоляпти.


Ютқизганлар бу ҳақда ҳаммага ҳам айтмавермайди. Уларнинг муаммосидан, одатда, оила-аъзолари ҳам беҳабар қолади. Бироқ қаттиқ яширилган сир охир-оқибат фожиа юз берганидан сўнг фош бўлади. Ачинарлиси бундай ҳодисаларни кўра билиб туриб ҳам, оқибатини англаб ҳам айрим ҳамюртларимиз қиморга муккасидан кетяпти.

Миллий урф-одатларимиз ва менталитетимизга, шунингдек, диний қарашларимизга ёт бўлган қимор ўйинларини ноқонуний равишда ташкил этиш ҳолатлари, айниқса, онлайн тарзда оммалашиб, ўсмир ва ёшларни ўз домига тортаётгани ачинарли ҳолатлардан биридир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикамизда тотализатор ва букмекерлик фаолиятини амалга ошириш ва албатта, бундай хизматларни реклама қилиш ноқонуний ҳисобланади. Бу борада мутасадди идоралар томонидан ноқонуний хизматлар рекламаси аниқланиб, уларга чек қўйилмоқда. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан мутасадди ташки-

лотлар билан ҳамкорликда 30 дан ортиқ тотализатор ва букмекерлик рекламасини ноқонуний равишда юритувчи сайтларга кириш чеклаб қўйилди. Маълумот учун, ушбу ўйинлар, айниқса, “онлайн” қимор билан боғлиқ жиноятлар 2019 йилда 55 та, 2020 йилда 86 та, 2021 йилда 103 та, 2022 йилнинг 6 ойида 90 тани ташкил этган.

Бинобарин, мамлакатимизда қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ҳамда ўтқазиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят ко-



дексининг 278-моддасида жиноят сифатида белгилаб қўйилган. Қолаверса, бундай ўйинларда қонунга хилоф равишда иштирок этиш, шунингдек вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этишга жалб қилиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 191-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилган. Жумладан, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтқазиб, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланади.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтқазиб учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади”.

Бу борада хориж тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Германияда қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар билан боғлиқ жиноятлар Жиноят кодексининг “Ғаразли жиноятлар” бўлиmidан жой олган ҳамда қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этган шахс учун белгиланган жазо эса 6 ойгача этиб белгиланган.

Буюк Британияда қимор ўйинла-

кодекслари шунингдек, Колумбия Федерал округининг жиноят кодекси асосида қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ҳамда ўтқазиб жиноятларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Аслида қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларнинг қонунга хилоф равишда ташкил этилиши ва ўтқазилиши фуқароларга нафақат рухий таъсир ўтказиб, балки молиявий қарамликка дучор этиб, оилавий низоларга ҳам сабаб бўлади. Шунингдек, ушбу фаолият нақд пулларнинг банкдан ташқари муомаласи кўпайишига, солиқлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товланишига йўл очади ҳамда шу орқали мамлакатимизнинг иқтисодий равнақига путур етказиб.

Муқаддас динимизда ҳам қимор қаттиқ қораланган ва ундан сақланиш буюрилгани бежиз эмас. Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Моида сураси 90-оятда шундай дейди: «Эй иймон келтирганлар! Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз». Қиморнинг энг кўзга кўринган оқибатларидан бири — қиморбознинг молиявий зараридир. Қолаверса, қимор жамият аъзолари орасида адоват қўзғайди. Чунки бир қиморбоз ютса, иккинчиси ютқазди. Ютган ўз биродарининг молини тортиб олади, ютқазган кишида унга нисбатан нафрат ўйғонади. Ўртада юзага келган душманлик кўп ҳолатларда фожеали тугайди.

Динимизда инсонлар ҳалол меҳнат қилиб пул топишга буюрилган. Бировни алдаб, хиёнат қилиб, муттаҳамлик йўли билан унинг мулкига эга бўлиш ҳаромдир. Қимор эса айнан шундай йўл билан пул топишдир.

Ҳаётда ҳар бир одам омадли бўлишни, муваффақиятга тез эришишни хоҳлайди. Аммо, бу орзу-истакларга ҳалол йўл билан эришиш лозим. Айтмоқчи бўлганимиз, ҳаёт бизга икки йўлни кўрсатиб қўйган. Бири саодатга олиб боровчи, иккинчиси эса залолатга — боши берк кўчага олиб борадиган йўл. Биз ёшларимизга саодат йўлига бошлашимиз, уларни ҳалол меҳнат билан турмуш кечиришга ўргатишимиз керак. Бундан ўзимиз ҳам, яқинларимиз ҳам, жамият ҳам катта наф кўради. Шунга кўра, фуқароларнинг огоҳлигини ошириш, давлатнинг бу борадаги назоратини кучайтириш ҳамда ота-оналар томонидан ўз фарзандларининг бўш вақтларидан унумли фойдаланиши устидан мунтазам назорат олиб борилиши юқоридаги каби салбий иллатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Ташпўлат МАТИБАЕВ,**  
Социология фанлари доктори,  
профессор

рени тартибга солиш мақсадида 2005 йилда “Gambling Act 2005” номли норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Мазкур ҳужжатда казинолардаги ўйин бизнесини, ўйин автоматларидан фойдаланишда, лототереялар ташкил этишда, шунингдек букмекерлик идораларининг фаолиятида юзага келувчи ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан назорат қилувчи моддалар назарда тутилган. Шунингдек, ушбу ҳужжат ўйинга оид фаолият билан шуғулланиш учун лицензия бериш тартибини ва мазкур турдаги фаолиятни назорат қилувчи орган — Гамблнинг Комиссияси (Gambling Commission) нинг ваколатларини белгилайди.

Бундан ташқари, “Gambling Act 2005”да вояга етмаган шахсларни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб этиш масаласига алоҳида тўхталган. Вояга етмаган шахсларга қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ҳар қандай шаклда реклама қилганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Қонуннинг 46-моддасида вояга етмаган шахсларга қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ҳақида маълумотлар бериш ва уларда бу каби ўйинларга қизиқиш уйғотиш жиноят таркибини келтириб чиқариши белгиланган. Шунингдек, Қонуннинг 47-моддасида қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиладиган ҳудудларга вояга етмаган шахсларнинг киришига имкон берган шахсларнинг жавобгарлиги белгилаб қўйилган.


АҚШнинг Федерал миқёсдаги ва 50 та штат миқёсидаги Жиноят

2023 йил 12 август куни Тошкент халқаро аэропорти олдида қурилаётган йўл ўтказгичнинг 5 донна балкаси монтаж жойидан тушиб кетган. Ушбу техник ҳалокат юзасидан шу кунгёқ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ расмий баёнот берди. Бош прокуратура ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, 3 нафар мансабдор шахс гумон қилинувчи тариқасида ушланганлигини маълум қилди.

Аммо ушбу нохуш ҳодиса билан боғлиқ ва бутун мамлакатимиз медиа соҳасида қизгин муҳокамага сабаб бўлган энг қизик, шов-шувли воқеа ундан икки кун ўтиб – 14 август куни содир бўлди: “Зўр” ТВ телеканали мухбири ва тасвирчиси мавзунини ўрганиш мақсадида қурилиш ҳудудига борганида қаршиликка учради ва телеканал оператори жароҳат олди. Шундай бўлди-ю, ижтимоий тармоқларда техник ҳалокат ҳақидаги маълумот иккинчи даражали мавзуга айланиб, асосий диққат марказида телеканал вакилларининг калтаклангани бўлди. Бу ҳодиса боис ижтимоий тармоқлар иштирокчилари томонидан мамлакатимизда айни пайтда журналистик фаолият учун яратилган шарт-шароитларни бирёклама – салбий оҳангда баҳолашга ваз туғилди.

Ушбу «асосий мавзу» юзасидан мутасадди юқори ташкилотлар – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Бош прокуратура, АОКА, ЎЗА, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси расмий муносабатини билдирди, Миллий медиа бирлашмаси раиси Шерзод Қудратхўжа ижтимоий тармоқларда беш ярим дақиқалик чиқиш қилди. Бу баёнот ва чиқишларда хулоса битта – журналистлар фаолиятига қаршилик қилиш қораланган ва уларга қилинган тажовуз учун жиноий жавобгарликка бўлган чора қўлланиши лозим. Бу хулосага тўлиқ қўшилаемиз. Журналистларга қаршилик қилган ва уларга тан жароҳати етказган шахс жазоланиши керак, албатта!

Шу билан бирга ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари ва мутасадди ташкилотларимизнинг «асосий мавзу»га нисбатан муноса-



## ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК МАСЪУЛИЯТИ

батларида иккита муҳим жиҳат эътибордан четда қолгани ажабланарли ва афсусланарлидир.

Биринчидан, телеканал вакиллари ўзларини етарлича профессионал даражада тутмаган: жавоб беришни истамаган, ўзини кўпол, агрессив тутган шахсни – қулаган кўприк қурилишида прораб бўлган, жаҳлдан ўзини ўнглаёлмаётган, “ўзини йўқотган” шахсни! – уни янада “қиздирувчи” “...нормальный гапиринг... нимага сўқасиз... жавоб берасиз...” каби гапларни айтиб, интервью беришга ундамоқчи бўлишган... Камерага сўқинаётган одамдан интервью олишга уриниш натижа бермаслиги аниқ... Лекин, “натижа”га эришилди! Шов-шув кўтарилди!.. Иккинчидан, ТВ вакиллари ўз телеграм каналида журналистик иш қоидаларига мувофиқ мазмунни бузмаган ҳолда тегишлича ишлов берилган воқеага доир видеоларга жойлаштириш билан бир вақтда ижтимоий тармоқларда ушбу лавҳанинг ишлов берилмаган, сўқиниш сўзлари билан икки ярим дақиқалик варианты тарқатилишига йўл қўйишган. Сўқиниш сўзларини тарқатиш журналистика касби меъ-

ёрларига мувофиқ келмайди. Ўйлаймизки, видеоларнинг ишлов берилмаган варианты журналистларга қўл кўтарган шахснинг жиноятини исботлаш учун фақат тегишли органларга кўрсатилиши керак

эди... Бу бутун оммага овоза қилиниши керак бўлган лавҳа эмас...

Фикримизча, калтакланган журналистлар, фахш сўзлари ишлатилган видеоматериални тарқатиб, (1) “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 6-моддасининг журналистик касбга оид одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши лозимлигини, (2) “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида баён этилган ахборот эркинлиги, хусусан, жамиятнинг ахлоқий кадрларига муҳофаза қилиниши мақсадида чекланиши мумкинлигини белгиловчи нормаларига риоя этмаганлар.

Шу ўринда мутасадди идоралар ва ижодкор зиёлиларимиз эътиборини кўтарилган ахборот соҳасига доир муаммага яна бир бор қаратишни хоҳлардик. Сўнги йилларда ахборот соҳамизда сўз эркинлигини нотўғри талқин қилиш, уни суистеъмол қилиш оқибатида анархия – бошбошдоқликка яқин ҳолат юзга келиб қолди... Хусусан, мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисми томоша қиладиган нодавлат телеканаллар орқали кечаю кундуз бемаъ-

ни, одоб-ахлоқ, тил қоидалари, миллий ва умуминсоний кадрларга зид шоу-дастурлар, сериаллар, рекламалар, кўшиқлар эфирга узатилмоқда... Ҳатто, янгиликлар бобида ҳам хусусий телеканаллар инсон руҳияти, онги ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи шов-шувли, ғайриоддий воқеа-ҳодисалар, даҳшатли жиноятлар ҳақидаги “янги-гина қовурилган” хабарларни барча тафсилотлари билан бериш кетидан қувиб кетаётгандек гўё!

Мамлакатимизда сўз эркинлиги Конституциямиз билан кафолатланган. Тўғри, бу борада ҳали қилинадиган ишлар бисёр. Шундай бўлса-да, ахборот соҳамизнинг эркинлик нуқтаи назаридан ҳозирги ва 6–7 йил олдинги ҳолатини солиштирсак, фарқ жуда катта – сўз эркинлигида, айниқса, ижтимоий тармоқларда фуқароларимиз томонидан билдирилаётган танқидий фикрларни эътиборга оладиган бўлсак, анча илгарилаб кетганмиз. Шу билан бирга ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали ахборот тарқатувчилар томонидан сўз эркинлигидан фойдаланишда қонунларимизда белгиланган қоидаларга риоя қилиш зарурлиги етарлича англаб етилмапти. Сўз эркинлиги сўз масъулияти билан чамбарчас боғлиқдир. Масъулият эса ахборот тарқатиш қоидаларига риоя қилишни англатади.

Хуллас, ҳаётимизда мавжуд, бартараф этилиши лозим бўлган камчиликларимиздан, рўй бераётган кўнгилсиз фавқулодда ҳодисалардан медиа макон субъектлари ахлоқсиз ахборот тарқатган ҳолда шов-шув кўтариб, жамоатчилигимизни “қиздириб”, асосий муаммоларимиздан чалғитиб, ўз рейтингини ошириш учун фойдаланишларига йўл қўймаслик лозим. Бу эса, ўз навбатида, бутун дунёда кузатилаётган ва бизни ҳам четламаётган маънавий емирилиш жараёнларини тўхтатишга хизмат қилган бўлар эди.

**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ,**  
иқтисод фанлари номзоди.

### Бугуннинг гапи

## Нега айнан газеталар?

Баъзида газеталарнинг интиҳоси яқин, дегувчиларга ажабланаман.  
Нега айнан газеталар йўқ бўлиши керак?  
Нима учун бошқа оммавий ахборот воситалари эмас?

Жамият ривожини учун матбуотдан кўра интернет кўп хизмат қилганми? Албатта, йўқ. Хайбарақаллачиларнинг иқрори бутун бошли газеталарни йўқ қилиб юборолмайди. Аммо, матбуотчилар қалбига ғулғула солиши, келажак борасидаги ўйларини пучга чиқариши мумкин. Бундан кимга наф?

Матбуот туфайли қалами чархланган, жамиятда ўз ўрнини топган инсонлар талайгина. Ҳаттоки бир вақтлари матбуот вакили давлат раҳбари сифатида ҳам фаолият юритган. Шунинг учун юқоридаги юзаки қарашлар кишиларнинг онг-у шуурига, матбуотнинг кераксиз буюмдек тасаввур шаклланишига сабабчи бўлади. Ижтимоий тармоқларда газеталарни титкилаб ўтиришни


ёқтираман. Бу ҳолат менинг ҳаётимда кундалик зарурат тусига кирган. Адабиётдан йироқ бўлиб яшаш оғир. Республикаимизда чоп этилаётган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” сингари мундарижасида бадиий адабиётларга тақризлар ёки айнан асарнинг ўзини келтиришлар кўп учрайди. Бу қувонарли ҳолат. Негаки китоб жавонини қайси асарлар билан бойитишни ўйлаб юрганлар учун яхшигина тавсия. Матбуот нима учун керак?

У даъват учун, миллатни зиёга тарғиб этиш учун, одамларни китобларга қайтариш учун керак.

Замонавий журналистика олдида шу каби муаммоларни бартараф этиш ва мавзунини ёритишда

янгича методларни ишлаб чиқиш турибди. Йўқса, аввалги “бағишлов”лардан воз кечишимиз қийин кечади. Журналист кўрганни ёзади, таҳлил қилади. Кимнингдир чизган чизигидан юриш ўз касбига муҳаббат қўйган инсонга ярашмайди. Журналистика шон-шухрат эмас, фидойилик. Айнан ўша фидойилик, муаммоларни теран англаш орқали замонавий журналистика пойдеворини қўйиш мумкин.

**Улуғбек ШАРОБИДИНОВ,**  
“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати аъзоси



(Боши 1-саҳифада)

Сухбат асносида Ая яратган образларни кўз олдимга келтираман. Қахрамонларидаги жиддий қатъият, айтиш мумкинки, баъзи ўринларда эркакча хатти-ҳаракатлар (“Паранжи сирлари”даги Мастура сатанг ролини эсланг) нақадар табиий чиққанидан хайратланиб ўтирибман. Балки санъаткорнинг маҳорати шудир, балки Ая сахнани сахна, ҳаётни ҳаёт, деб билишининг натижасидир.

Ўша сухбатдан олам-олам таассурот билан қайтдим. Шундан кейин яна бир неча марта Ая билан гоҳ юзма-юз, гоҳ телефонда сухбатлашиш бахтига муяссар бўлдим...

Эсимда бор: ўша йили кузда Муқимий номидаги мусикали драма театрида Аянинг 80 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Атоқли санъаткорлар, Аянинг шогирдлари, ҳамкасблари, кўшни давлатлардан келган санъаткорлар Аяни муборак ёши билан кутлаган эдилар. Ўшанда Аянинг севинчи чексиз эканлиги унинг чехрасидан, мулойим боқишларидан билиниб турарди.

**БУЮК УСТОЗ**

Ая билан неча марта сухбатлашган бўлсам, доимо Ҳамзанинг номи эҳтиром билан тилган олган эди. “Устозингиз ким?” деган саволга ҳеч иккиланмай “Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий” деб жавоб берарди.

Ҳа, Лутфихон аянинг санъаткор бўлишида, эл-юрт назарига тушишида Ҳамза ҳал қилувчи ўрин тутади.

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Кўконда очилган хотин-қизлар клубига Лутфихон ҳам тез-тез қатнаб турди. У янги-янги кўшиқлар ўрганади, ўзининг ширали овози билан дугоналари олқишига сазовор бўлган эди. У кўшиқни берилиб, қалб қатларидан чиқариб куйларди. Ўзининг дарду аламлари, ҳасрати, туғилиб ўсган қишлоғига, қариндош-уруғларига бўлган соғинч туйғулари ашула оҳангига сингиб кетарди. Шунданми, у куйлаганда ҳамма сел бўлиб тинглар, дугоналари ундан янги-янги кўшиқлар айтиб беришини илтижо қилиб сўрашарди.

Бир куни Лутфи кўшиқ айтаётганда клубга Ҳамза кириб келади. Уни кўриб Лутфи ашула айтишдан тўхтади. Аммо Ҳамза Ҳакимзода айтавер деб, имо қилгач, бироз тортиниб бўлса-да кўшиқ куйлайди. Шу-шу Ҳамзанинг назарига тушади. Шоир Лутфихон билан тез-тез сухбатлашади, унинг тақдири билан кизиқади, ўзининг кўшиқларидан ўргатади. Ҳамзанинг таклифи билан Лутфи Кўкон театрига ишга қабул қилинади. Бу даргоҳда ўша кезлари Миршоҳид Мироқилов, Муҳиддин Қориёқубов, Тамарахоним сингари ўзбек санъатининг қалдирғочлари меҳнат қилишарди. Улар Лутфини ўз давраларига оладилар.

– Ҳамза билан танишмаганимда, у киши менга йўл-йўриқлар кўрсатиб, маслаҳат бермаганида тақдирим не кечарди билмайман, – деган эди Ая ўша кунларни эслаб.

У пайтларда хотин-қизларнинг сахнага чиқиши тасаввурга сиғмайдиган гаплар эди. Турсуной, Нур-

хон... Эндигина ўн олти ёшга кирган Нурхонни ўз акаси йигирма тўққиз жойидан пичок уриб ўлдирди. Ғузорлик Майна Ҳасанова-чи! Унинг фаолияти ҳали-ҳануз тилларда достон.

Ана шундай шароитда сахнага чиқиб ашула айтиш, рақсга тушиш чинакам жасорат эди. Лутфихон ая



ана шундай фидоийлардан бири. Буларнинг аксариятига шоир, драматург Ҳамза раҳнамолик қилди. Унинг юзлаб шогирдлари қатори Лутфихон ҳам шогирдлик бурчини садоқат билан бажариб келди. Устоз қаламига мансуб асарларда роль ижро этганда, у яйраб кетади, бутун истеъдод ва маҳоратини ишга солади. “Нурхон”даги мушфиқ она, “Паранжи сирлари”даги Мастура сатанг, “Майсаранинг иши”даги уддабурон Майсара образлари бунга мисолдир...

– Мен ва менга ўхшаган қанчадан-қанча хотин-қизларнинг санъаткор бўлиб етишувида устоз Ҳамзанинг хизматлари беқиёс. – деган эди Ая. – У киши ҳам бевосита ёрдами, ҳам асарлари билан бизларни тарбиялади, сабоқ берди.

Ҳамза асарлари ўзининг замондошларинигина эмас, ундан кейинги қанчадан-қанча авлодни ҳам тарбиялади. Ҳозирги санъаткорларимиз ҳам Ҳамза асарларини сахнага кўйишни, уларда роль ижро этишни шараф, деб биладилар. Зотан, классик адиблар қаламига мансуб асарларни сахнага кўйиш, улардан образларни сахнага оолиб чиқиш – ҳар бир режиссёр ва актёр учун маҳорат мактабидир. Ҳамза асарларидаги Гофир, Жамила, Майсара, Ойхон, Холисхон ва бошқа образлар ана шундай ўлмас қахрамонлардир. Ҳалима Носирова, Сора Эшонтураева, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев ва бошқа кўплаб атоқли санъаткорларимиз маҳоратининг тақомилида Ҳамза асарларининг аҳамияти жуда катта бўлгани шубҳасиздир.

**САҲНА – МЕНИНГ ҲАЁТИМ**

– Саҳна – менинг ҳаётим, мен бахтимни сахнадан топдим, – леган эди Ая.

Чиндан ҳам Ая сахнада қарийб олтмиш йил ижодий меҳнат қилди. Бу йиллар давомида қанчадан-қанча роллар ижро этди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос қиёфага, характерга, кўринишга, гапириш манерасига эга. Уларни сира ҳам бир-бири билан адаштириб, қориштириб юбориш мумкин эмас. “Ҳалима”даги Ҳалима, “Аршин мол олон”даги Гулчехра, “Маликаи Турандот”даги Малика, “Фарҳод ва Ширин”даги Ёсуман, “Гулсара”даги она, “Олтин кўл”даги Жамол хола ва бошқалар. Мана шу рўйхатнинг ўзиёқ Лутфихон ая истеъдодидан дарак беради.

Бу образларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил қилиш мумкин. Чун-

ки улар шунчаки ижро этилмаган, балки ҳар бири образ даражасига кўтарилган. Бошқача айтганда, образнинг туб моҳияти юксак маҳорат билан очиб берилган. Томошабин актриса яратган Ҳалима, Гулчехра, Лайли, Нурхоннинг онаси Кимё хола каби ролларга хайрихоҳ бўлса, Ёсуман,

эмассан”, “Иккинчи баҳор”, “Ҳамза”, “Стадионда учрашамиз”, “Фарҳоднинг жасорати”...

Бу фильмлар орасида айниқса “Сен етим эмассан” алоҳида аҳамиятга эга. Ая ижро этган Фотима хола образи ўзбек оналарининг меҳрибонлиги, болажонлиги, фодойлиги тимсолидир.

**САҲНА –  
УНИНГ ҲАЁТИ ЭДИ**

Мастура сатанг сингари образлардан даҳшатга тушади. Ёсуман Фарҳодга гул олиб келиши, буни сенга Ширин бериб юборди, деб Фарҳодга гулни хидлатиши ҳамда хушидан кетказиши ва у беҳуш бўлиб йиқилганда ғалати бир овоз билан кулишини эсланг. Унинг овози, кулгиси томошабин юрагига ханжар каби санчилади. Ёки Мастура сатангнинг “Эй, Норбойвачча, ҳалиям бўлса белбоғни рўмолга алмаштириб қўя қолинг”, деган аччиқ киноялари-чи. Унинг гапларидан илон пўст ташлайди. Бу сўзларни айтаётган санъаткор ҳаракатларининг ўзиёқ олам-олам мазмунга эга.

Лутфихон ая бугун бу ролда, эртага бошқа ролда сахнага чиқди, дейлик. Томошабин уни дарҳол таниб ололмайдди. Нега? Сабаби, актриса ўзи ижро этган образни обдон ўзлаштириб олади, яъни, роль ўйнамайди, балки сахнада образ қиёфасида яшайди.

Театрдан чиққандан кейин эса яна ўзимиз билган ўша оддийгина Лутфихон аяга “айланади”. Бу – санъаткор маҳоратининг намунаси. Қолбуки, шундай актёрлар борки, улар бизнинг замондош ролида чикса ҳам, бошқа миллат вакилларининг сиймосида кўринса ҳам, классик асарларнинг қахрамонларини ўйнаса ҳам сахнага чиқиши, бир оғиз гапириши билан оламиз. Чунки образларнинг ҳаммаси бир хил оҳангда гапиради, бир хил юради, бир хил кулади ва хоказо. Мен лутфихон аяни томошабин дарҳол танимайди, деганда, мана шу жиҳатларни назарда тутаяпман. Аслида томошабин танийди, аммо ким ижро этаётганини, ҳатто сахнадаги воқеалар спектакль эканлигини эсидан чиқариб қўяди. Маълум ролни маромига етказиб ижро этган артистни ўша образ номи билан аташга ҳам ўрганиб қолганмиз. Айтайлик, Аброр Ҳидоятловни – Отелло, Олим Хўжаевни – Навоий, Обид Жалиловни – Солиҳбой, Соиб Хўжаевни – Тошболта, Раззоқ Ҳамроевни – Насриддин Афанди ва хоказо.

**ЭКРАН...**

Ая ижодини фильмларда яратган образларисиз тасаввур қилиш қийин. Бу оммавий санъатга у 1931 йили Марғилон фабрикасида суратга олинган “Озод” фильмида суратга тушиш билан кириб келди. Шундан бери ўнлаб фильмларда турфа образлар яратди. “Қасам” номли илк овозли фильмда ҳам Ая роль ижро этган. “Маҳаллада дув-дув гап”, “Сен етим

Фильмни кўрмаган томошабин йўқ хисоби. Шу боис уни таҳлил қилишга ҳам ҳожат йўқ. Бир нарсани эслатиш керакки, Аянинг ўзи ҳам иккинчи жаҳон уруши йилларида бошпанасиз қолган гўдакдек бошини силаган, ўз тарбиясига олган. Катя исми бу кизчага Каромат, деб ном қўяди. Ая уни оналик меҳри билан тарбиялади, ўстирди, вояга етказди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор иккинчи жаҳон уруши мавзуидаги бир шеърда “Ҳа, ҳа, ўша машҳур Лутфихон ая” деб бекорга ёзмаган эди.

Лутфихон ая сахнада, экранда яратган барча образлари бизга эзгуликдан, одамийликдан сабоқ беради. Ижобий образлари ўрнатқуч бўлса, салбий образлари огоҳлантиради.

Мен Белоруссияда бўлганимда Минскдаги иккинчи жаҳон музейи залларини айланганимда, Рига яқинидаги Саласпилс конц-лагери ўрнида барпо этилган ёдгорлик музейини кўздан кечирганимда киноларда кўрганимиз, китобларда ўқиганимиз уруш воқеаларини эсладим. Айниқса, Саласпилсда фашистлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилган болаларнинг қўлидаги номерларини кўриб юрагим увишиб кетди. Бу ажалхонада етти минг гўдак ваҳшиёна ўлдирилган. Шунда менинг ёдимга Ўзбекистонга эвакуация қилинган болалар тушди. Ҳар қалай улар бахтли болалар экан. Қолбуки, қанча-қанча болалар эвакуация қилинмай қолиб кетган. Афсус...

“Сен етим эмассан” фильми, бу фильмдаги Фотима хола образи менга шуларни эслатади. Зотан, ўзбек халқи қанча бола бўлса жонига жойлар эди. Бинобарин, бу миллатимизга хос фазилятдир. Лутфихоним ая ана шу хусусиятларни ёрқин очиб бера олган.

Лутфихон ая вафот этганига ўттиз йилдан ошди. Театр ва кино санъати мухлислари, кўшиқ шинавандалари ҳамон Ая санъатини қадрлайди, эслайди, Ая қатнашган фильмларни интиқиб томоша қилади. Аяга вафотидан кейин 2001 йилда Президентимиз фармони билан “Буюк хизматлари учун” ордени берилгани ҳам бу фикрларни тасдиқлайди.

Фақат ҳалол, виждонан қилинган меҳнат кадр-қиммат топади. Енгил-елпилик, қўл учида иш қилиш, мол-дунёга берилиш яхшиликка олиб келмайди, деб таъкидларди.

Аянинг ўзи узоқ умри давомида шу гапларга амал қилиб яшади.

**Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ**

## (Боши 1-саҳифада)

Бунинг учун мазкур объектлар ва Октябрь зали (суд бораётган) орасига кабел тортилди. Шундай миш-миш ҳам юрадики, Сталинга Октябрь залидан парда билан тўсилган махсус жой ажратилган. У мана шу ерда ўтириб суднинг бориши ҳамда маҳкумларнинг ҳолатини хуфийна кузатиб ўтирган.

Иш СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясида В.Ульрих раислигида, давлат қораловчиси, СССР прокурори Вишинский иштирокида бўлиб ўтди. Мазкур процесда уч кишидан (Раковский, Плетнев ва Бессонов) ташқари 18 киши, жумладан, ўзбек фарзандлари – Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов отишга ҳукм этилди.

Барқарор жамият муҳтида улғайган бизлар улкан давлатнинг тепасида ашаддий жиноятчи ҳисобланган инсон туриши мумкинлигини мутлақо тасаввур эта олмаймиз, дейди адиб Роберт Конквест ўзининг “Катта террор” китобида. – Доминий кўркув ва НКВД ходимларининг каллаи саҳардан эшикларни тарақлатиб тепиб келишини кутиб яшаш, меҳнат лагерларидаги тутқунларнинг машаққат ва уқубатга тўла қисматлари – бу даҳшатларни гапиришга тил ожизлик қилади.

Р.Конквестнинг эътирофича, кўплаб чакувлар кўркувдан қилинади. Оғиздан чиққан эҳтиётсиз бирор сўзни эшитган ҳар қандай одам бу ҳақда тегишли идорага хабар бермаса, ўзи жазоланади. “Илғор жамиятнинг улғувор ғоялари” билан улғайган айрим кимсалар шахсий манфаатини ўйлаб ёки ўз жонини кутқариш учун дўстларини, ҳамкасбларини сотар, хотинлар ўз эрларидан тонар, калтафаҳм ўғил ота номига қора чаплар (Павлик Морозовга ўхшаш сотқин фарзандлар ўша давр махсули) эди.

“Катта террор” китобида таъкидланганидек, Файзулла Хўжаев ҳарқалай ўтмишда сталинизмнинг марказлаштирувчи ва миллийликни тан олмайдиган сиёсатида жиддий қаршилик қилган эди. Шу маънода Сталиннинг Ф.Хўжаевда алами ёки қасди бор эди, десак хато бўлмайди. Аммо Сталин сиёсатининг бирон-бир бандига ҳеч қачон қарши бўлмаган, унга ҳеч қачон хиёнат қилмаган А. Икромовга нима бўлди? Хўш, Ўзбекистоннинг бу икки раҳбарини суд залига келтирган асосий сабаб ва омил нима эди?

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, Ф.Хўжаев ўзи етакчи бўлган БХСР ҳукумати таркибидан “босмачилар”ни қўллаб-қувватлаётган кишилар борлигини, улар аслида миллий-озодлик кураши олиб бораётганини билганини ёки 1921 йил 8 ноябрда бошқирд миллати вакили, Туркистон озодлик ҳаракатининг етакчиларидан бири Аҳмад Заки Валидий Тўғон (1890-1970 й.) билан ўзаро мулоқотда Ф.Хўжаев “Ориповни (А.Орипов) ҳарбий вазир лавозимидан бўшатишни руслар кўпдан бери талаб қилаётир, буни билиб қўй, бундан буён сен билан кўриша олмаймиз. Раҳм йўқ, муносабат шафқатсиз бўлади. Шундай бўлса-да, Султонов ўз ўрнида қолади, у билан алоқа йўли очик бўлади,” деган гапларини келтиришимиз мумкин бўлади.

Кейинчалик Ф.Хўжаев Ситоран Мохи Хоссада Заки Валидий билан учрашиб, навбатдаги хатардан огоҳ этиб, у ва шеригига амир отхонасидан иккита учқур отни берган эди. Заки Валидий ҳамда шериги бу отларга миниб Афғонистонга омон-эсон ўтиб кетади. Ф.Хўжаев 1923 йил июнь ойида миллий республикалар ва вилоят раҳбарлари иштирокида Москвада ўтказилган РКП(б) МКнинг 4-махфий мажлисида сўзлаётган пайтда Сталин Валидов қаерда, – дея лукма ташлайди.

Ф.Хўжаев: “Валидов Ўрта Осиёнинг у ёғидан бу ёғига югуриб юрибди, гоҳ Бухорода, гоҳ Тошкентда ёки Хоразмда. У

босмачиларнинг раҳбарларидан бири”, – дея жавоб беради. Ҳолбуки, Ф.Хўжаев Валидийни 1923 йилнинг 10 мартида хорижда чиқариб юборган эди.

Ф.Хўжаевнинг саъй-ҳаракатларидан кўринадики, у ўз олдида Бухоро Халқ Республикасининг том маънода мустақил этиш, миллий армияни шакллантириш, қизил армия қисмларини республикадан чиқариб юбориш, вақф мулкларини ўзларига қайтариш, ҳеч қандай воситачиларсиз хориж билан алоқа қилиш, миллий урф-одат ва анъаналар асосида



конунчиликни жорий қилиш каби мақсадларни қўйган эди.

Ф.Хўжаев Ўзбекистоннинг мустақиллигини йўқотишида ўзини айбдор билиб, жуда ўқинганини бугун кўпчилик ҳужжатлардан билиш мумкин. У ўз ҳаммаслаклар билан бўлган мулоқотларда ташқи ва ички вазиятдан фойдаланиб, Ватан озодлиги учун ҳаракат бошлашни таъкидларди. Ўтмишда Бухоро республикасида катта ҳукумат лавозимларида ишлаган Муинжон Аминов ва Атохўжа Пўлатхўжаевлар Ф.Хўжаев иши бўйича 1937 йилги сўроқларда Ф.Хўжаев 1935 йили кизининг туғилган кунини Мухтор Саиджонов, Абдурауф Фитрат, Саттор Хўжаев, Раҳматулла Музаффаров, Ибод Хўжаев(Файзуланинг укаси), адиб Комил Яшин ва хонанда Ҳалима Носирова ва бошқалар даврасида “Туллаб-лишнётган Ўзбекистоннинг озодлиги ва мустақиллигини кўрадиган кунларга етишни Худо насиб этсин”, дея қадаҳ сўзи айтганини келтиришади.

Ф.Хўжаевнинг амакиваччаси Усмонхўжа Пўлатхўжаев 1922 йил сентябрда Афғонистон билан ҳарбий битим тузиш, Бухоро миллий армиясини шакллантириш учун инглизлардан Бухоро кўшинига курул-яроғ сотиб олиш учун хорижга кетади. Афсуски, бу мақсадлар амалга ошмагач, Ф.Хўжаевга “Ватанга қайтсам бўладими?” – деган мазмунда хат жўнади. Ф.Хўжаев қариндоши Усмонхўжага юртга қайтмасликни маслаҳат беради.

У 1922 йилнинг кузида “Мен Германияга даволаниш ҳамда талабаларнинг аҳволидан хабар олиш учун келдим” – дея ёзганди. Совет ҳукумати ўша йилдаёқ Германияга ўқишга юборилган бухоролик ёшларни Москвага қайтаришга уринган. Мамлакатдаги қалтис вазиятнинг хис этган Ф. Хўжаев эса иқтидорли ёшларнинг Ватанга қайтиб, “сотқин”, “Ватан хоини” каби асоссиз тамгалар билан қораланиб, бадном бўлишини истамаган. Муинжон Аминовнинг 1938 йил 28 январда бўлиб ўтган терговдаги кўрсатмасидан: “1922 йил Куйбишев (Валериан Куйбишев) мен ва Файзулла Хўжаевдан уларнинг (талабалар) қайтарилишини, Москвада ўқитишни талаб қилди. Хўжаев катъий рад жавобини берди. Сўнгра Умар Фахриев деган кишини хат билан Германияга жўнатиб, у ерда таълим олаётган бухоролик талабаларга: “Совет ерига қайтмай турунлар” – деб топширик берди” деган фикрлари юқоридаги сўзимизни тасдиқлайди.

Судда қайта-қайта айтилганидек, Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов турли аксилсовет гуруҳларга раҳбарлик қилган бўлса-да, аммо социалистик тузумга қарши курашда бирга иш олиб борганини тан олдилар. Буни эса Москвада “Троцкийчи ўнлар маркази” уларга босим кўрсатгани билан изоҳлашди. Шахсан А. Икромов “Бухариннинг сиқуви остида икки миллий ташкилот (“Миллий иттиҳод” ва “Миллий истиқлол” фирқалари назарда тутилмоқда)нинг ишлари-

ни бирлаштириганини” бўйнига олди. Анча йиллардан буён Республика Вазирлар кенгаши (Совнарком) раиси лавозимида ишлаган Ф. Хўжаев 1937 йил 27 июнда эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, “конррреволюцион ва “миллатчилик” позицияси кескин қораланиб, хибсга олинган эди.

1937 йил сентябрда марказдан Тошкентга А.А. Андреев юборилди. У Ўзбекистонни катагон террори етарли даражада қамраб олган ёки олмаганини текшириши ва марказга ҳисоб бериши

лозим эди. 8 сентябрда “Правда” газетасида эълон қилинган “Буржуа миллатчиларининг ҳомийлари ва ҳамтовоклари” номли мақола ўша пайтдаги Ўзбекистон КП(б) МК ишларини бутунлай қоникарсиз деб топади. Унда “Правда Востока” газетаси ҳамда Ўзбекистон КП(б) МКда ин курган фашист гумашталари – миллатчилар, троцкийчи-бухаринчиларга қарши курашда йўл қўйилган сиёсий хатликлар очиб ташланди.

Айбловда Файзулла Хўжаев, А.Тожиёв, Турсун Хўжаев, ва ҳатто Ўз.ВКП(б) бюро аъзоси бўлган (А.Каримов, А.Исломов, Пехер, Манжара ҳам) “халқ душмани” сифатида “фош” этилди. “Ўзкомпартия(б) МК биринчи котиби ўрт. Икромов ва бошқа бюро аъзолари хушёрлик кўрсатмагани” учун танбех олди. Орадан икки кун ўтиб, 10 сентябрда “Правда” троцкийчи МК котибларидан бири (яъни Пехер)ни ҳимоялагани учун Акмал Икромовга ташланди. 10-12 сентябрь кунлари “Правда Востока” газетаси “буржуа миллатчилигига” қарши турмагани ва Ф.Хўжаевни қўллаб-қувватлагани учун Икромовни савалашда давом этди.

27 сентябрда “Правда” газетасида Икромовнинг фош этилгани, партиядан ўчирилгани ва иши тергов органларига оширилгани ҳақида ахборот босилди. Шунга қарамай, у ҳали қамалмаган эди. “Шахсан Сталиннинг буйруги бўйича” қамокка олинганга қадар тегишли гувоҳларнинг унга қарши кўргазмалари тақдим этилган эди. Икромов мазкур айбловларни бутунлай рад этиб, НКВД раҳбари Ежов билан тўрт марта суҳбатлашганини рўқач қилади. Бу унинг қамокка олинмасдан аввал Москвага келганини билдиради. Турмада Икромов билан унга тухмат қилаётган Бухарин юзлаширилади. Икромов бир неча кунлар ўтиб, яъни терговнинг 6 ёки 7 кунларида кўргазма беришни бошлайди.

Шу аснода катагон террори бутун Ўрта Осиёни олов мисоли чирмаб олган эди. Қирғизистон ҳукумати раҳбари ҳам 12 сентябрда қамокка олинди. Бепарволикка йўл қўйгани учун Қирғизистон Компартиясига ҳам жиддий қоралар кўрилди. Тожикистон Компартиясининг 2 нафар котиби ва бошқа ходимлар буржуа миллатчи жосуслари сифатида “фош” этилди.

Союзлар уйи Октябрь залиннинг совук қандиллари ёруғида Ф. Хўжаев 1920 йилдан бошлаб советларга қарши фаолият олиб борганини “тан олди”. Унинг иқдорича, А.Икромов ва Ф.Хўжаев ўнг троцкийчилар билан алоқада бўлиб, Ўзбекистонни Совет иттифоқидан ажратиб Англия протекторатига айлантириш юзасидан тегишли агентлардан йўриқномалар олиб турган. Иккала ўзбек лидери ҳам мунтазам равишда саноат ва кишлок хўжалигида зараркундалик ҳамда кўпуровчилик ишлари билан шуғулланган. Қишлоқ хўжалик сиёса-

ти ҳам республикада ўта ёмон даражада олиб борилган. Москвада норозилик уйғотиш учун атайлаб бундай сиёсат олиб борилган.

Хўжаев: ...бу халқда улкан норозиликни келтириб чиқарди, чунки биз ишни шундай олиб бордик. Барча режалар Москваники, биз уни бажарувчилармиз. Норозимисиз? Унда Москвага шикоят қилинг. Биз шундай мана шу тарзда топшириқларни кўярдик.

Вишинский: Кўпуровчилик топшириғими?

Хўжаев: Ҳа, кўпуровчилик топшириғини берардик ва кўп йиллар давомида буни онгли равишда амалга ошириб келдик. Охир-оқибатда бу нимага олиб келди? Қорамоллар сонининг камайиб кетишига, ипакчиликнинг инқирозига олиб келган. Бу пахта ҳосилдорлигини камайишига сабаб бўлган. Ўзбекистон шу боисдан кўп йиллар мобайнида пахта тайёрлаш режасини бажармай келган. Агар деҳқонда 10 гектар ер бўлса, унинг 8 ёки 9 гектарига пахта экиши лозим эди. Ўзингиз тушунасиз, пахтага 9 гектар ажратилиб қолган барча экинга бир гектар ер ажратилса, демек бу монокултурага зўр бериш ҳисобланиб, хўжалик шу билан хароб бўлади.

Хўжаев сўзини давом эттириб, ўз олдида Ўзбекистонни мустақил иқтисодиётини ривожлантириш вазифасини қўйганини(юқорида келтирилган кўргазмаларга зид равишда), биринчидан, Ўзбекистонни иттифокка кўпроқ боғловчи пахта экиш ҳажмини камайитириш, иккинчидан, рус бугдойига қарамликдан қутулиш учун лалмикор ва сугориладиган ерларда галла хўжаликларини кўпайтиришни режалаштирганини таъкидлайди. Ўзбекистон раҳбари шундай қилиб, саноатни ривожлантириш, йўллар қуриш ва натижада ушбу беш йилликда Совет Россиясидан, Совет иттифоқидан мустақил бўлишни мақсад қилганини тан олади.

Айтиш керакки, юракларни ларзага солган мазкур процесс ҳақида матбуотда мунтазам ташвиқот олиб борилди, хусусан, айбланувчиларга лаънатлар ўқилган хатлар матбуот саҳифаларида эълон қилинган. Суд жараёнларида атоқли адиблар А.Н.Толстой, Илья Эренбург ва бошқалар иштирок этди. Бухарин устидан бошланган суд юзасидан ўта аҳмоқона фикрлар айтилган ҳолатлар ҳам бўлди. 1940 йил 5 мартда ҳукуматга киритилган хатга кўра, Белоруссия Халқ комиссарлари кенгаши қошидаги қочоқлар билан ишлаш ҳукумат комиссияси раисининг ўринбосари Морозов: “Ўнбоши Декун билан мулоқотда Бухариннинг суди жараёнида СССРда давлат тўнтариши юз беришига 2 соат қолгани, аммо Бухарин қон тўкилишини истамай, бу қароридан қайтганини эшитдим”, дейди.

Крестинский, А.Икромов, Ф.Хўжаев, В. Зеленский КПСС XXII съезидан кейин, 1963 йилда оқланди. Шифокор профессор Д.Плетнев 1985 йилда, учинчи Москва процессининг бошқа қурбонлари эса (Ягодадан ташқари) 1988 йилга келиб оқланди.

Сўзимиз интиҳосида Р.Конквест келтирган мана бу рақамларга эътиборингизни тортмоқчимиз. Муаллиф таъкидича, 1939 йил охирларига келиб, СССР турмалари ва концентрацион лагерларига ташланган маҳбуслар сони 9 млн. кишини ташкил этган. Жумладан, 1млн. нафар маҳбус қамокда, 8 млн. маҳбус эса лагерларда сақланган. Ҳолбуки, 1928 йилда маҳбуслар сони 30 минг нафарни, 1933-35 йилларда эса 5 млн. нафарни ташкил этган.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда НКВД училиги томонидан 1937-38 йилларда 41 минг одам судга тортилган. Улардан 37 минг нафари қамокка ташланган ва 6920 нафари отувга ҳукм қилинган.

Абдумажид АЗИМОВ

## УЛАР ҚИШЛОҒИМИЗ ФАХРИ

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Аллома шоиримиз Эркин Воҳидов “яхши дўстлар даврасида очилурсан ҳар замон, кўркни маржон ичра топгай, марварид дурдона ҳам...” деб ёзганидек, яхши дўстлар, уларнинг суҳбати, меҳр-оқибати киши кўнглини тоғдек кўтаради, ҳаётга, яшашга иштиёқингизни ошириб, кўнглингизни яйратади.

Кеча ана шундай яхши дўстларимиздан бири, кўхна Санг қишлоғининг фахру гурури Раҳматали Рустамов билан бир пиёла чой устида гурунглашдик. Раҳматали Муродович ўз илмий ишлари, изланишлари билан республикамиз илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшаётган таниқли олим, ёшларнинг севимли устози. Техника фанлари доктори, профессор. Наманган муҳандислик қурилиш институти машинасозлик факультети декани.

Яхши эсламан. Саксонинчи йиллар ўрталарида Раҳматали мактабни эндигина тамомлаган, қалби орзу ҳавасларга тўла ёшгина йигитча эди. Попдаги нотўқима матолари ишлаб чиқариш фабрикасида оддий ишчи бўлиб ишларди. У одоби, меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан корхона раҳбарлари назарига тушди. Фабрика директори Абдурашид Убайдуллаев йигитчадаги билимга қизиқишни сезиб, ундан ёрдамни аямади, институтга кириши учун корхона номидан йўлланма ёзиб берди. Раҳматали политехника институтини аъло баҳоларга тамомлаб, яна кадрдон жамоасига қайтди. Икки-уч йил ишлагандан сўнг ҳам раҳбари ҳам устози Акмалжон Умрзақовга “институтга қайтсамми”, дея кўнглини очди.

– Кўз очиб кўрган корхонанг, яхши мутахассиссан, келажагинг бор, – деди Акмалжон. – Қолаверса, сени нуфузлироқ лавозимга ўтказиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Яна бир бор ўйлаб кўр...

– Ўйлаб, мулоҳаза қилиб олдингизга кирдим, – деди Раҳматали.

– У ҳолда сенга бир шарт билан руҳсат берамиз, – деди Акмалжон Умрзақов. – Қаттиқ меҳнат қилиб, изланиб илмда кўриқ очасан, фан доктори бўласан.

– Гап йўқ! Айтганингиздек бўлади.

Устоз-шоғирд шу тариқа қўл олишдилар.

– Ўшанда Акмал акамнинг гапларига фаришталар омин, деган экан, – дейди Раҳматали. – Устозим, кадрдон жамоам олдида уялиб қолмаслик учун қишлоқ хўжалик техникаларини такомлаштириш устида кўп йиллар мобайнида илмий изланишлар олиб бордим. Худди шу мавзуда олдинга номзодлик, бир неча йил ўтиб эса докторлик диссертациямни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Бугун соҳага оид бир неча монографиялар, дарслик-қўлланмалар, юзлаб илмий мақолалар муаллифиман...

Профессор Рустамов билан бот-бот кўришиб тураимиз. У ўша фабрикада оддий ишчилигида қандоқ бўлса, шундоқ: камтарин, камсукум, самимий. Баъзи олимлардек, димоғи кўтарилиб, оёғи ердан узилмаган, қишлоғидан, туғилиб ўсган юртидан йироқлашиб ҳам кетмаган. Ўзи вилоят марказида яшаса ҳам, қишлоқда ҳовли-жойи бор. Тез-тез келиб туради. Айтилган жойдан, тўй-маросимлардан қолмайди.

– Сангимиздан жуда кўп илм кишилари, фан номзодлари етишиб чиққан, – дейди даврадош дўстимиз Ойбек Умрзақов. – Раҳматали, улар орасида биринчи фан доктори, биринчи профессор. Укамиз билан фахрланамиз.

– Раҳмат, – дейди мулоимгина қулиб Раҳматали Муродович. – Мендан кейин яна бир ҳамқишлоғимиз Муҳаббатхон Мирсолиева педагогика соҳаси бўйича фан доктори бўлди. Яқинда профессор унвонини ҳам олди. Ҳозирда Губкин номидаги Москва нефть ва газ институти Тошкент филиали проректори.

– Э, қойил! – дейди Ойбек. – Синглимизни табриклар кўйсак бўларкан...

Бу хушхабардан ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Муҳаббатхон маҳалладошимиз. Мирабдулла полвон деган яхши бир инсоннинг невараси. Уста Тўхта-

синнинг қизи. Ўзимизнинг 35-ўрта мактабда ўқиган. Бир пайтлар “Тошкентда институтни тамомлаб, ўша ерда қолибди, олима бўлармиш”, деган гап қулоғимизга чалинганди. Шундан кейин кўп йиллар бу қиз ҳақида эшитмадик. Албатта, фан доктори бўлиш, профессор даражасига эришиш осон эмас. Бунинг учун халқ ибораси билан айтганда, “игна билан қудуқ” қазий, тинимсиз ўқиш, изланиш, не-не тонгларни бедор ўтказиш, не-не қийинчиликларни енгиб ўтиш керак бўлади. Катта куч, иқтидор, ирода, сабр-тоқат керак бўлади. Муҳаббатхон бу босқичлардан мардона ўтибди ва... мақсадига эришибди. Қишлоғимизнинг, Попимизнинг, Наманганимизнинг фахру ифтихорига айланибди.

Ойбекжон айтмоқчи, қойил-да!

Шу ерда андаккина мулоҳаза: биз юртимиздан чиққан олимлар, санъаткорлар ва бошқа эл-юрт учун кўп ва хўб ишлар қилган, касби-коридан барака топган таниқли инсонлар хурмат-иззатини ҳар доим ҳам жойига қўйяпмизми? Уларнинг меҳнатларига муносиб иззат-хурмат кўрсатаймизми? Очироқ айтганда, уларни биламизми, таниймизми ўзи? Афсуски, йўқ. Аччиқ бўлса-да, айтай: аксарият туман раҳбарлари, мактаб-маориф етакчилари, маънавиятчиларимиз ўз туманидан, қишлоғидан чиққан машҳур инсонларни деярли танимайди, билмайди. Ваҳоланки, танишлари керак ва шарт! Бундай инсонларни таниш, ўзгаларга ҳам танитиш, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда, мактабларда улар билан учрашувлар ўтказиш, уларнинг ҳаёт-фаолиятлари ҳақида сўзлаб бериш, ўзларидан ҳам эшитиш жамоатчиликка, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодга кўп нарса беради. Юзлаб, минглаб кўнгишларда ниш отаётган орзулар, эзгу мақсадлар оддийгина ҳавасдан, иштиёқу интилишдан ранг олади, ўсади, улғаяди. Адабийчасига айтганда, ирмоқлар, жилғалар дарёларга қўшилиб уммонларга айланади!

Ортиқали НОМОЗОВ

## Муассислар:

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология, атроф-  
муҳитни муҳофаза  
қилиш ва иқлим ўзгариши  
вазирлиги

Тадбиркорлар ва  
ишбилармонлар  
ҳаракати —  
Ўзбекистон  
Либерал-демократик  
партияси.

Ўзбекистон  
Нодавлат ноижорат  
ташкilotлари миллий  
ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат  
палатаси.

Бош муҳаррир  
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета тахририятнинг  
компьютер бўлимида  
саҳифаланди.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-810  
Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 3 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлигида  
2006 йил 0010-рақам билан  
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик  
жihatдан сифатли чоп  
этилишига “Шарқ” нашриёт-  
матбаа акциядорлик  
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
99-791-43-23,  
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ” дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00

1 2 3 4 5 6

## ДИСЛАЛИЯ:

## БОЛА НЕГА АЙРИМ СЎЗЛАРНИ НОТЎҒРИ ТАЛАФФУЗ ҚИЛАДИ?

Бола улғайгани сари нутқи ҳам параллел ривожланиб боради. Бироқ ҳамма “тили чиққан” кичкинтойлар ҳам барча сўзларни тўғри талаффуз қила олмайди. Хўш, бу қандай омиллар билан боғлиқ.

— Шахснинг ҳар томонлама тўғри ривожланишида нутқ бенуқсонлигининг аҳамияти катта. Бироқ доим ҳам бундай бўлавермайди. Кўпинча кичик ёшдаги болалар орасида нутқ бузилиши билан боғлиқ муаммолар учрайди. Бунга асосан ташки омиллар ёки ота-оналарнинг эътиборсизлиги сабаб бўлиши мумкин.

Дислалия – нутқ бузилишининг кенг тарқалган тури бўлиб, бунда кичик ёшли ўғил-қизлар айрим товушларни тўғри талаффуз қила олмайди. Ёки бир товушни иккинчисига алмаштириб, баъзида уни ўтказиб юборади.

Асосан 3-4 ёшли кичкинтойларда учрайдиган бу каби нутқ бузилишида бола ўз истакларини тўлиқ ва аниқ баён эта олса-да, баъзи сўзларни нотўғри талаффуз қилади. Масалан “машина” сўзини “матина”, “ширинлик” сўзини эса “тиринлик” деб айтиши мумкин.

Дислалиянинг 2 хил – функционал ва механик турлари бор. Механик турига асосан бола оғзидаги нутқ аппаратида (тишлар жойлашуви, жағлар шакли) камчиликлар, танглайнинг тартибсиз тузилиши, қалин лаблар сабаб бўлади.

Функционал дислалияни эса боланинг ўтқир касалликларни бо-

шдан кечирганлиги, оилада икки тилда сўзлашиш, фарзанд нутқини нотўғри тарбиялаш, у билан кам суҳбатлашиш, кичкинтой билан гаплашганда сўзларни “болаларча” талаффуз қилиш ва унда фонемик эшитишнинг яхши ривожланмаганлиги каби омиллар келтириб чиқаради.

Механик дислалия ташхиси қўйилган болани ортодонг ва логопед мутахассислар биргаликда даволаши лозим. Бунинг учун кичкинтойга оғиз орқали бажариладиган махсус машғулотлар тавсия этилади. Айрим вақтларда эса шифокор кўрсатмаси билан жарроҳлик амалиёти қўлланилади.

Функционал дислалия 5 ёшгача даволанмайди. Агар бола шу даврга қадар баъзи сўзларни нотўғри талаффуз қилаётган бўлса, у билан

тўғри ва равон сўзлашиш орқали муаммони бартараф этиш мумкин. Бунда кичкинтойга шеър ёдлатиш, кўшиқлар эшиттириш яхши фойда беради. Бироқ бола 5 ёшга тўлгач ҳам “қуёш” сўзини “қуёс” деяётган бўлса, уни, албатта, шифокорга кўрсатиш зарур.

Мазкур ҳолатда логопед жажжи беморга оғиз машғулотларини ўргатиш ва талаффуз қила олмаётган товушларни тўғри айтишга кўмаклашади. Яъни махсус логопедик йгиллар билан бу товушларни кичкинтой нутқида мустаҳкамлайди.

Шунингдек, бола нутқини ривожлантиришда оғиз мушакларини кучайтириш яхши самара беради. Бунинг учун кичкинтойга сабзи, олма, қотган нон ёки туршак каби егуликлардан бериб турилса, фойдадан холи бўлмайди.



# ИЛМДА ИЛДАМ, ТАЪЛИМДА ЎКТАМ

*Ҳаёт давом этаверади. Лекин соҳа, тизим ривожига муносиб ҳисса қўша олганларнинг номи барҳаётликка муҳрланаверади. Ўзи ўқиган, ишлаган ва раҳбар сифатида фаолият юритган таълим даргоҳига меҳру садоқатни Ўктам Пардаевич Умурзаковдан ўрганиш керак эди десак, хато бўлмайди.*

*Дарахт бир жойда илдиз отади деган гап бежиз эмас. Ўктам Пардаевич Умурзаков 1969 йилда Тошкент ирригация қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтига талаба сифатида қабул қилинган бўлса, умрининг охиригача ҳаётини йўли, илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолияти худди шу таълим даргоҳи билан боғланди.*

Ўқишни муваффақиятли тугатгач, институтнинг "Машиналар пухталиги ва ремонт" кафедрасида стажёр ўқитувчи, кичик илмий ходим бўлиб иш бошлаганидан тортиб шу таълим даргоҳининг ректори лавозимига бўлган даврда касбига садоқат туйғуси, кўпчиликка ибрат бўладиган интизом ва мажбурият бурчи бор эди уларда. Шу нарса аниқки, раҳбарлик масъуллик демаски. Бу ўзинга ва сўзинга, ходимларга, касбдошлар фаолиятига жавобгарликдир. Ўзидан кўра ўзгани ўйлаш, бағрикенглик самимийлик ўзаро ҳурмат ва ишонч ҳукмрон бўлган жойда муассасада ижодий муҳит яралади ва иш унуми ҳам бўлади.

Ўктам Пардаевич муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг илм - фанга бўлган эътиборига мамлакатнинг таракқиётига хизмат қилиши ҳақидаги ғояларига сидқидилдан садоқат билан хизмат қилди. Фарзандларимизни имтиҳонга эмас ҳаётга тайёрлаш кераклиги ҳақидаги давлат раҳбарининг даъватларига содиқ қолди.

Бунинг учун таълим муассасалари ректорлари таълим тизимининг сифати ва самарадорлигига жиддий эътибор қилишлари зарур эканлигини англаб етди. Ана шу вазифага садоқат ва жонбозлик унинг Республика олий таълим кенгаши тузиш зарурлиги ҳақида жиддий ўйлаб бу ишни амалга оширди ва унга раислик ҳам қилди. Кенгаш ташкил этилганига кўп бўлмасда таълимни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш борасида теран таклиф ва мулоҳазалар билдириб, бир қанча амалий ишларни йўлга қўйди.

Тиниб-тинчимас, ҳаракатчан, ўз касбига ғоятда масъулиятли Ўктам Пардаевичнинг ғайрат-шижоати, таълим тизимига эътиборининг ҳосиласи ўлароқ, улар раҳбарлик қилган таълим муассасаси миллий ва халқаро рейтингларда юқори кўрсаткичларга эришгани сир эмас. Таълим тизимига оид қонун ва қарорларни, фармон ва фармойишларнинг ва бошқа ҳукумат ҳужжатларининг ижросини бекам-у кўст бажариш, назорат қилиш у инсоннинг табиатида синган эди.

Дарҳақиқат, иккинчи умрини яшай бошлаган устоз Ўктам Пардаевич самимий инсон, айниқса, талабаларга оталарча ғамхўр эдилар. Ректорат мажлисларида баъзан профессор ўқитувчиларга қарата "агар сизни фарзандингиз ўз пайтида стипендия олмаса қандай куйга тушган бўлардингиз", - дея танбех беришлари ҳамон ёдимда.

Тўғри, куёш ботиш учун чиқади, одамзод ўлиш учун туғилади дейишди. Лекин гап умри қандай ўтказишда. Эл - юрт манфаати учун илм-у таълимни муқаддас тутган маърифатпарвар инсон чин маънода ибрат, ҳикмат булоғи эди.

Таълим муассасамизнинг маънавий ҳаётида устоз ҳам ўчмас из қолдирди. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ўзлари Абдулла

Орипов ижодий ва ҳаётини фаолиятини ўрганиш ва асарларини оммалаштириш, тарғиб қилишни айнан ўзлари бир пайтлари ўқиган ва ишлаган мазкур институтга топширганлари профессорларнинг жамоаси билан биргаликда домлани ҳам руҳлантириб юборганди. Давлат мадҳияси матнининг муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповга дахлдор бўлган маълумотларни тўплаш, унга бағишланган бир нечта илмий-амалий конференция ва учрашувларни ташкил қилиш, шоир номидаги ижод боғи, кўкрак нишони, стипендия, энг муҳими, адиб номидаги музейни ташкил этишдаги ташкилотчиликлари таҳсинга сазовордир.

Бугунги кунда миллий тадқиқот университетимиз эришган ютуқларга назар ташлар эканмиз, уларнинг замирида учта асосни кўрамиз. Бири айнан таълим муассасамизнинг ривожини учун Президентимиз томонидан қабул қилинган қарорлар бўлса, иккинчиси ана шу тарихий ҳужжатларда кўрсатилган топшириқ ва вазифаларга садоқат ҳисси билан ёндашган Ўктам Умурзаков яратган жамоа ва шиддатли, кучли тўлқиннинг зарби, учинчиси эса устознинг ишончи ва эътиборини қозона олган шогирдлари ва кадрдон жамоасининг яқдиллиги билан амалга оширилаётган зафарли ишлардир.

Таълим ва тарбияда танаффус бўлмаслиги айни ҳақиқат. Бу эса тинимсиз изланиш, мақсадли ҳаракат, ўқув - педагогик жараёнга масъуллик ҳамда тизимли интилишни талаб этади. Ана шундагина муваффақият ва натижалар юзага чиқиши тайин.

Муҳтарам Президентимиз нажот таълимда, нажот билимда дея эътироф этарканлар, уларнинг фикрини қувватлаш асносида самарадорлик ва таракқиётнинг кафолати ҳам айнан таълимга эътибор билан боғлиқ дегингиз келади.

Яқиндагина «ТИҚХММИ» Миллий тадқиқот университети QS Халқаро рейтинг агентлиги томонидан 4 юлдузли университет сифатида тан олингани бунинг ёрқин исботидир.

Дунёнинг энг нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларидан бири ҳисобланган QS (Quacquarelli Symonds) томонидан ташкил қилинган бу йилги QS Stars аудит баҳолаш рейтинги натижаларига кўра, «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети дунёнинг ТОП Университетлари рўйхатида 1000 баллик баҳолаш шкаласида 689 балл тўплаб, 4 юлдузли Университет мақоми берилди.

QS Stars бу халқаро рейтинг тизими бўлиб, таълим муассасасини батафсил кўриб чиқиш имконини беради. Жумладан, мазкур рейтинг дунё университетларини таълим муҳити, халқаролашув, илмий тадқиқот ва инновация, академик ривожланиш, ўқитиш, битирувчи-

ларнинг иш билан таъминланганлик даражаси, ўқув дастурлари салоҳияти, онлайн таълим, алоҳида соҳалар бўйича рейтинг, университетдаги яратилган қулайликлар, санъат ва маданият, ижтимоий масъулият ва инклюзивлик бўйича баҳолайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, «ТИҚХММИ» Миллий Тадқиқот Университети QS Халқаро Рейтинг Агентлигининг 2023 йилда эълон қилинган QS World University Ranking by subjects да 3 та фан соҳаси Муҳандислик ва Технологиялар, табиий Фанлар ҳамда Атроф муҳит муҳофазаси бўйича дунёнинг ТОП-500 талик университетлари рўйхатида эътироф этилган эди ҳамда Осиё ва Тинч океан минтақаси университетлари рейтингига ТОП-301 ўринда, Марказий Осиё минтақаси бўйича 14-ўринда ва Ўзбекистон бўйича 1-ўринда қайд этилган эди.

Ушбу ютуқлар замирида устоз Ўктам Пардаевич бошлаб берган кучли ва шиддатли тўлқиннинг зарби, самарадор авжи ва мавжи борлигини ҳис этмаслик мумкин эмас.

"Комил ишонч билан айтиш жоизки, университетимизнинг ўқув-таълимий ва илмий-педагогик жараёнидаги ютуқларида улар бошлаб берган йўл ва хаританинг, талаб ва топшириқларнинг, матонат ва жасоратнинг, мавжкор ҳаракатларининг акс садоси бор, - дейди ректор, профессор Баҳодир Мирзаев, - устознинг ташаббуси билан бошланган, яқинда ишга туширилаётган IT-PARK ҳам уларни эслатиб туришига шубҳа йўқ. Университетимиздаги яқин йиллардаги қурилишлар, талабалар учун яратилган иншоотлар устоздан ёдгорлик бўлиб қолгани аниқ."

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Гулистонда сайловолди дастури муносабати билан учрашувда ҳамкасб кадрдон, чин дўст ва адолатпарвар инсон сифатида Ўктам Пардаевичнинг номи тилга олиб улар ҳақида ўз хотираларини ўртоқлашиб ўтдилар. Сўнгра сўзга чиқаётганимни билиб "Мана, Ўктам Пардаевичнинг маънавийтачиларидан, маърифат тарғиботчиларидан бири" - дея каминани ҳам эътироф этганидан ниҳоятда мамнун бўлдим.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз бир йиллиги муносабати билан Фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва ОАВ ходимларидан бир гуруҳи мукофотланганди. Улар орасида олий таълим фидойилари, профессор-ўқитувчилари ҳам борлиги соҳа вакиллари кувонтирди.

Устозимиз Умурзаков Ўктам Пардаевичнинг "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони билан тақдирланиб эзгу номларининг мангуликка яна бир бор муҳрланиши давлат ва ҳукуматимиз-

нинг чинакам маънодаги эътиромли эътирофидир.

Бадий адабиётга меҳри устувор бўлган ижодкор талабаларнинг шеър ёзишларини ва шеър ўқишларини кузатиб ижодкорлик хусусиятларини идрок этиш асносида бир ишга қўл урдилар. Албатта, бу ижодкор талабаларни илҳомлантиришда, адабиётни севишларида мотивация бўлгани рост.

Оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигига ҳам устоз алоҳида эътибор билан қарарди. Таълим муассасамизга 10 та маҳалла билан ҳамкорлик вазифаси бириктирилган эди. Устоз раҳбарлигида барча маҳаллаларга ҳамкорлик қилиш асносида Мирзо Улуғбек туманидаги "Лашкарбеги", "Асака", "Мустақиллик", "Оқибат" маҳаллаларига 2 миллиард сўмдан зиёд спорт анжомлари ва спорт майдонларини ташкил қилиш чинакам жасорат ва ватанпарварлик тимсоли десак, муболага эмас. Давлат ва ҳукуматимизнинг эътиборида бўлган жамиятнинг катта, кичик ячейкалари - оила, маҳалла муаммоларига ҳам бефарқ бўлмасдан имконияти доирасида моддий ва маънавий ёрдам аямади. Ўктам Пардаевич бундай хайрли ишларни олий таълим муассасаси ректори ёки депутатлик ваколати юзасидангина амалга оширмади, халқчил, хокисор, оддий инсоннинг бурчи, калб кўри сифатида қаради ва бажарди.

Давлатимиз раҳбари каби ўз халқини севадиган, ҳар бир фуқароси учун жон куйдирадиган, миллати хавфсизлигини таъминлаш учун ўз жонини хатарга қўядиган, жасур, мард, матонатли инсон билан бирга ҳамкадам бўлишни Ўктам Пардаевич шараф деб билди. Табиий офат асоратларини бартараф этиш, сув тошқинидан азият чеккан фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш, маънавий қўллаб-қувватлашни виждон амри сифатида хис этиш халқимизнинг табиати ва тийнатида хос фазилат саналган. Халқимизнинг меҳрибонлиги, саховатпешалиги, ҳамжихатлиги яна бир қарра намоён бўлди. Ҳамма бир тану бир жон бўлиб, биргаликда, белгиланган тартибларга ўз вақтида ва қатъий риоя қилган ҳолда ҳаракат қилгани самарасида тез фурсатда барча аҳоли хавфли ҳудудлардан олиб чиқилди, катта миқдорда моддий ёрдам ва компенсациялар ажратилди.

Иқтидорли ёзувчи Лукмон Бўрихоннинг Ўктам Пардаевич хотирасига бағишланган "Сокин дарё" деб номланган романи устоз учун ҳам, муаллифнинг ўзи учун ҳам хотира бўлиб қолди десак, ўринли бўлади.

Илму фанга шайдои, касбига фидойи бўлган устоз раҳбарлик қилган таълим муассасанинг бугунги кундаги ютуқларида уларнинг муносиб ҳиссаси бор. Устозни дам сокин, дам жўшқин дарёга қиёс қилиш мумкин эди. Дарё тўлқини соҳил сари мавжкор интиларкан, бу эзгу ишларнинг, ҳаётнинг бардавомлигини билдиради. Барҳаётлик нишони, боқийлик белгиси уларнинг номига, эзгу амалларига ҳам бегона эмас.

**Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,**  
профессор, "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университетининг Матбуот хизмати раҳбари